

**АКАДЕМИК Ш.АЛИМОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК Ш.АЛИМОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ДАДАХОДЖАЕВА ЛОБАР САДРИДДИНОВНА**

**БОЛАЛАРДА ТУБЕРКУЛЁЗ ИНФЕКЦИЯСИ ПРОФИЛАКТИКАСИДА  
ЁНДАШУВЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.26-Фтизиатрия**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертация  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Дадаходжаева Лобар Садриддиновна**

Болаларда туберкулёз инфекцияси

профилактикасида ёндашувларни

такомиллаштириш.....3

**Дадаходжаева Лобар Садриддиновна**

Совершенствование подходов к профилактике

туберкулёзной инфекции у детей.....31

**Dadaxodjayeva Lobar Sadriddinovna**

Improving Approaches to the Prevention

of Tuberculosis Infection in children.....61

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....66

**АКАДЕМИК Ш.АЛИМОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК Ш.АЛИМОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ДАДАХОДЖАЕВА ЛОБАР САДРИДДИНОВНА**

**БОЛАЛАРДА ТУБЕРКУЛЁЗ ИНФЕКЦИЯСИ ПРОФИЛАКТИКАСИДА  
ЁНДАШУВЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.26-Фтизиатрия**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертация  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Tib4326 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертацияси автореферати уч тилида (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий Кенгаш веб сайтида ([www.tbcenter.uz](http://www.tbcenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Садиков Абдувахид Садикович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Адилходжаев Асқар Анварович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Рашидов Зафар Рахматуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси 2026 й «\_\_»\_\_ да соат\_\_ да академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий даражалар бериш бўйича DSc.06/2025.27.12.Tib.22.01 рақамли Илмий Кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Мажлисий кўчаси, 1. Тел: (+99871)278-04-70, Факс: (+99871)278-04-70; (e-mail: [resp.ftiz.ilmiy.m@ssv.uz](mailto:resp.ftiz.ilmiy.m@ssv.uz))

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий текшириш марказининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ -сон билан рўйхатдан ўтказилган) манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Мажлисий кўчаси, 1. Тел: (+99871)278-04-70

Диссертация автореферати «\_\_»\_\_\_\_\_ 2026 йилда тарқатилди.

(2026 йил «\_\_»\_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ - сонли реестр баённомаси)

**Н.Н. Парпиева**

Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н. Убайдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Э.А. Абдуганиева**

Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «дунёда ҳар йили 15 ёшгача бўлган болалар орасида 1200000 туберкулёз касаллиги ҳолати қайд этилмоқда ва тахминан 67000000 бола туберкулёз билан зарарланган бўлиб туберкулёзга чалиниш ҳолатлари орасида 15 ёшгача бўлган болалар улуши тахминан 11% ни ташкил этиб, 1100000 ҳолат ва 225000 зиёд ўлим ҳолати кузатилмоқда бу эса уларни касаллик ривожланиш хавфига дучор этмоқда»<sup>1</sup>. Бу касалликнинг ривожланишига таъсир этувчи турли омиллар мавжуд бўлиб, педиатрия соҳасида туберкулёзга қарши профилактика муҳим ўрин тутди. Болалар ўртасида туберкулёз билан боғлиқ эпидемиологик ҳолат оғир ва эпидемик кўрсаткичлар ўсиши кузатилмоқда ҳамда XXI аср остонасида болаларда туберкулёз касаллиги профилактикаси муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон илмий ҳамжамиятда туберкулёзга қарши иммунопрофилактика самарадорлигини ошириш учун янги технологияларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда, болаларда туберкулёз профилактикасининг кўплаб масалалари, хусусан касалликнинг ёшга хос равишда ривожланиши, клиник шакллариининг учраши, BCG дан кейинги чандиқнинг клиник аҳамиятини ўрганиш; чандиқнинг ёш ўзгариши билан диагностик ўрнини аниқлаш; BCG вакцинасининг самарадорлигини асослаш. Бу борада болаларда туберкулёз инфекцияси профилактикасининг оптималлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳокамаларга сабаб бўлмоқда, ушбу касалликни профилактикасида янги (ёшга хос) химиопрофилактика ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларни юритиш муҳим илмий-амалий йўналишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, эпидемиологик вазиятнинг барқарорлашувини, ҳамда туберкулёздан касалланиш ва ўлимнинг камайишини акс эттириш орқали болаларда туберкулёз инфекцияси билан касалланишнинг пасайишига қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини, мавжудлигини ва самарадорлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касалликларнинг эрта профилактикасини йўлга қўйиш, тиббий стандартлаш тизимини шакллантириш ва юқори технологияларга асосланган тиббий хизмат моделларини шакллантириш...»<sup>2</sup> каби мақсадларга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб

<sup>1</sup>World Health Organization. Global tuberculosis report 2022. Hhh:www.who.int.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони

борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон “Аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамини яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2023 йил 20 январдаги ПҚ-12-сон “2023-2026 йилларда фтизиатрия ва пулмонология хизматини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва техникани ривожлантиришнинг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон илмий адабиётларнинг кўплаб тадқиқотлари натижасида, The Lancet Global Health нашрида Ласит Ранасингх 2020 йилда COVID-19 пандемияси даврида болалар ўртасида туберкулёз касаллиги ҳақидаги маълумотларнинг таҳлили туберкулёз касаллиги ўсмирлар орасида кенг тарқалган бўлиб, айниқса, 15-19 ёшли катта ёшдаги ўсмирлар орасида ҳар йили ярим миллион ҳолат қайд этилади (Grange JM, Farmer P, 2020).

Икки ёшгача бўлган чақалоқлар ва кичик ёшли болалар тарқалган туберкулёз ёки туберкулёз менингити каби туберкулёзнинг оғир шаклларига мойил бўлиб, бу юқори даражадаги касалланиш ва ўлим хавфи билан боғлиқ. Ўсмирларда туберкулёз касаллиги, одатда катталарда учрайдиган симптомлар билан бир хил бўлиб кўкрак қафаси органларининг рентген текширувида бўшлиқлар пайдо бўлиши ёки касалликнинг бактериологик тасдиғи мавжуд (Kunder S, Nazra D, 2021). ШЛУ-ТБ билан касалланган болалар сони ортиши хавфи юқори бўлган ҳолатлардан бири узоқ муддатли яқин мулоқот бўлиб, масалан чақалоқ ёки кичик ёшли боланинг ўз онаси ёки уни парвариш қилувчи шахс билан битта уй ҳўжалигида яшашидир (Houben R, Lalli M., 2019).

Болалар ва катталар ўртасидаги касалланиш нисбати 0,04-0,1дан 0,3-0,7 гача ўсган бўлиб, бу гипердиагностика ёки гиподиагностика эҳтимолини кўрсатади. 15-17 ёшларда ТБ касалланиш даражаси 0–14 ёшлиларга нисбатан икки баробар юқори, бироқ 18-24 ёшли катталарга нисбатан паст бўлган (Аксенова В.А., 2019).

Ўзбекистонда болаларда туберкулёзнининг клиник кечиши бўйича, айниқса, даволаш давомида туберкулёзга қарши препаратларнинг ножўя таъсирилариининг сони характери ва профилактик алгоритм ишлаб чиқишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилди. Аммо, Ўзбекистонда болаларда BCG дан кейинги чандик, организмда махсус иммунитет шаклланиши ва унинг ҳолати ўртасидаги боғлиқлик етарлича ўрганилмаган

(Парпиева Н.Н., Абдусаломова М.И.,2021). Ўз вақтида туберкулёзга қарши профилактик чораларни самаралироқ амалга ошириш имконини беради ва бу болалар ўртасида туберкулёз касаллиги кўрсаткичларини камайтиришга ёрдам беради. Юқорида айтилганларнинг барчаси муаммонинг долзарблигини кўрсатиб илмий ва амалий жиҳатдан ечилиши муҳим вазифа эканлигини кўрсатмоқда (Садиқов А.С., Абдусаматова Б., Денисиук О., Гадоев Ж., 2021).

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилот ёки таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология илмий амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** болаларда туберкулёз инфекцияси профилактикасининг оптималлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

BCG вакцинасидан кейинги чандиқнинг мавжуд эмаслиги, 4 мм гача бўлган чандиқ ва 4 мм дан катта бўлган чандиқ ҳолатига асосланиб болаларда туберкулёз инфекцияси ривожланишининг клиник аҳамиятини аниқлаш;

болаларда BCG вакцинасидан кейинги “чандиқ” нинг бўлмаслиги туберкулёз билан касалланиш ёш гуруҳлари орасидаги клиник шаклларининг учраши ва клиник аҳамиятини аниқлаш;

болаларда туберкулёз профилактикасида илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, BCG вакцинасидан кейинги «чандиқ» мониторинги ва хавф гуруҳларида профилактика чора-тадбирларни такомиллаштириш;

болаларда туберкулёзнинг эрта диагностикасида BCG вакцинасидан кейинги “чандиқ” ҳолатини илмий баҳолашга асосланган такомиллаштирилган “Химиопрофилактика” тавсияномасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** 2006-2010 йилларда болаларда BCG вакцинацияси ва ревакцинация давридаги туберкулёз касаллигининг клиник шаклларининг ёш гуруҳлари орасида учраши бўйича архив материаллари; 2015-2019 йиллар (вакцинация даври) даги клиник шаклларининг учраши бўйича архив материаллари ва 2020-2023 йиллардаги туберкулёз клиник шаклларининг учраши бўйича архив материаллари ва бундан ташқари академик Ш.Алимов номидаги РИФваПИАТМ болалар бўлимида даволанган 216 нафар болалар ва ўсмирлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** 2006-2010, 2010-2019 йиллар ва 2020-2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007 йил 9 ноябрдаги 18-сонли иловаси бўйича 8-Здрав шакли туберкулёз тўғрисида йиллик ҳисоботлари статистик маълумотлари, 2006-2023 йиллар даврида туберкулёз тасдиқланган болаларда ўтказилган микробиологик, иммунологик таҳлиллар ва бошқа клиник материаллар ретроспектив таҳлил натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** 2006-2010, 2010-2019 йиллар ва 2020-2023 йилларда туберкулёз тўғрисида йиллик ҳисоботлари статистик маълумотлар ва клиник материалларни ретроспектив таҳлили (туберкулёз клиник шаклларининг учраш частотаси). Бундан ташқари 2020-2023 йиллар даврида академик Ш.Алимов номидаги РИФваПИАТМ болалар бўлимида даволанган 216 нафар беморлар 2 даврга ажратиб таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

болаларда BCG вакцинасида ёш омили, иммун системасининг пасайиши ҳисобига “чандиқ”нинг клиник аҳамияти специфик иммунитетнинг регрессияси сабабли пасайтириши исботланган;

болаларда BCG вакцинасидан кейинги “чандиқ”нинг бўлмаслиги, ўпка туберкулёзининг оғир клиник шакллари ривожланишида специфик иммун системасининг пасайишида хавф ёши 5-9 ва 10-14 ёши эканлиги исботланган;

BCG вакцинасидан кейинги “чандиқ” 4 мм дан катта болаларда туберкулёзнинг иккиламчи оғир клиник шакллари асосан 10-17 ёшда ривожланиши бу касалликка нисбатан иммунитет пасайиши туфайли ривожланиши исботланган;

болаларда туберкулёзнинг эрта диагностикаси ва профилактикасида BCG дан кейинги “чандиқ” ҳолатига асосланган “Химиопрофилактика” чораларини қўллаш бўйича такомиллаштирилган тавсияномаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

2006-2010 йиллар вакцинция ва ревакцинация даврида ва 2015-2019 йиллар вакцинация даврида ҳамда 2020-2023 йилларда болалар ва ўсмирларда туберкулёзнинг клиник шаклларининг ёш гуруҳлари орасида клиник аҳамияти ретроспектив аниқланган;

болаларда ва ўсмирларда BCG вакцинасидан кейинги чандиқ ҳолатини ва клиник аҳамияти таҳлил қилинган ҳамда болаларда туберкулёз профилактикасида ёшга боғлиқлиги ретроспектив аниқланган ва унга биноан такомиллаштирилган “Химиопрофилактика” тавсиянома ишлаб чиқилган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар билан қўллаб-қувватланади, бу эса олинган маълумотларни ўрганиш объекти, предмети ва мақсадида мослаштириш, шунингдек умумлаштириши ва шубҳасизлигини тасдиқлаш имконини беради; етарли миқдордаги беморларнинг услубий тўғрилиги, тадқиқотда ретроспектив таҳлили клиник, инструментал ва статистик усуллар билан тўлдирилган ишлаб чиқилган анкеталардан фойдаланиш, олинган натижаларни ҳалқаро ва миллий тадқиқотлар натижалари билан таққослаш ва тегишли органлар томонидан хулосалар ва натижаларни тасдиқланиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти - болаларда туберкулёзни олдини олиш усуллари оптималлаштириш бўйича кўрсатмалар тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ва туберкулёзни камайтиришга қаратилган бўлиб, олинган натижалар тиббиёт муассаса мутахасислари учун муҳим восита бўлиб

хизмат қилади ҳамда уларни ушбу муаммоли касалликка қарши самарали курашиши учун тегишли усуллар ва маълумотлар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти - болалар ва ўсмирларда туберкулёзнинг олдини олишни оптималлаштиришда бўлиб, тадқиқотда туберкулёзга қарши курашувчи тиббий муассасаларнинг талабларига мувофиқ, туберкулёз профилактикаси бўйича такомиллаштирилган химиопрофилактика тавсияномасини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда туберкулёз инфекцияси профилактикасида ёндашувларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* болаларда BCG вакцинасида ёш омили, иммун системасининг пасайиши ҳисобига “чандиқ”нинг клиник аҳамияти специфик иммунитетнинг регрессияси сабабли пасайтириши исботланганлиги Бухоро вилояти болалар фтизиатрия сихатгоҳи бош шифокорининг 2025 йил 12 июлдаги №36 сонли буйруғи ва Тошкент вилояти болалар фтизиатрия шифохонаси бош шифокорининг 2025 йил 12 июлдаги №37 сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғликни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 4 июлдаги №6 сон хулосаси).

*Ижтимоий самарадорлиги:* болаларда туберкулёз инфекцияси профилактикасида “чандиқ” мониторинги, хавф гуруҳларини аниқ камраб олиш, ёш гуруҳлари орасида туберкулёзнинг оғир клиник шакллари аниқлаш орқали касалланиш даражасини пасайтириш имконини берган.

*Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда туберкулёз инфекцияси профилактикасида “химияпрофилактик даво” орқали бир нафар болада туберкулёз касаллигининг профилактикасида 23300000 сўм кам маблағ сарфлаш, давлат бюджети маблағларини тежаш имконини берган. *Хулоса:* болаларда туберкулёз инфекцияси профилактикасида “химияпрофилактик даво” орқали бир нафар болада туберкулёзнинг профилактикасида 23300000 сўмга иқтисод қилиш ва шифохонада даволаниш маблағини 97% гача қисқартириш натижасида болаларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини беради.

*иккинчи илмий янгилик:* болаларда BCG вакцинасидан кейинги “чандиқ”нинг бўлмаслиги, ўпка ТБ нинг оғир клиник шакллари ривожланишида специфик иммун системасининг пасайишида хавф ёши 5–9 ва 10–14 ёши эканлиги исботланганлиги Бухоро вилояти болалар фтизиатрия сихатгоҳи бош шифокорининг 2025 йил 12 июлдаги №36 сонли буйруғи ва Тошкент вилояти болалар фтизиатрия шифохонаси бош шифокорининг 2025 йил 12 июлдаги №37 сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғликни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 4 июлдаги №6-сон хулосаси) *Ижтимоий самарадорлиги:* болаларда туберкулёз инфекцияси профилактикасида “чандиқ” мониторинги жорий этилиши болаларда туберкулёзнинг камайишига, оғир клиник шакллари олдини олиш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда туберкулёз инфекцияси профилактикасида “химияпрофилактик даво” нинг самарадорлиги туфайли давлат бюджетидан сарф харажатларни 3% иқтисод

қилишга эришилган. *Хулоса:* болаларда туберкулёз инфекцияси профилактикасида “химияпрофилактик даво” нинг самарадорлиги туфайли давлат бюджетидан сарф харажатларни 3% иқтисод қилиш ва шифохонада даволаниш маблағини 23 баробар қисқартириш хисобига болаларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини беради.

*учинчи илмий янгилик* BCG вакцинасидан кейинги “чандиқ” 4 мм дан катта болаларда туберкулёзнинг иккиламчи оғир клиник шакллари асосан 10–17 ёшда ривожланиши бу касалликка нисбатан иммунитет пасайиши туфайли ривожланиши исботланганлиги Бухоро вилояти болалар фтизиатрия сихатгохи бош шифокорининг 2025 йил 12 июлдаги №36 сонли буйруғи ва Тошкент вилояти болалар фтизиатрия шифохонаси бош шифокорининг 2025 йил 12 июлдаги №37 сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. (Соғликни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 4 июлдаги №6 сон хулосаси хулосаси) *Ижтимоий самарадорлиги:* болаларда туберкулёз инфекцияси профилактикасида профилактик чоралар ва хавф гуруҳларини аниқ қамраб олиб “химияпрофилактик даво” тавсияномаси орқали болаларда туберкулёз билан касалланиш даражасини пасайтириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда туберкулёз инфекцияси профилактикасида “химияпрофилактик даво” тавсиянома орқали болаларда туберкулёз билан касалланишдаги сарф харажатларни 23 баробарга қисқартириш имконини берган. *Хулоса:* болаларда туберкулёз инфекцияси профилактикасида “чандиқ” мониторинги, хавф гуруҳларини аниқ қамраб олиш, ёш гуруҳлари орасида туберкулёзнинг оғир клиник шаклларини аниқлаш орқали “химияпрофилактик даво” болаларда туберкулёз билан касалланишдаги сарф харажатларни 23 баробарга қисқартириш имконини берган.

*тўртинчи илмий янгилик:* болаларда туберкулёзнинг эрта диагностикаси ва профилактикасида BCG дан кейинги “чандиқ” ҳолатига асосланган “химияпрофилактика” чораларини қўллаш бўйича такомиллаштирилган тавсияномаси ишлаб чиқилганлиги Бухоро вилояти болалар фтизиатрия сихатгохи бош шифокорининг 2025 йил 12 июлдаги №36 сонли буйруғи ва Тошкент вилояти болалар фтизиатрия шифохонаси бош шифокорининг 2025 йил 12 июлдаги №37 сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғликни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 4 июлдаги №6 сон хулосаси хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* болаларда туберкулёз инфекцияси профилактикасида “чандиқ” мониторинги яъни BCG вакцинасидан кейинги “чандиқсиз болаларда” “химияпрофилактик даво” тавсияномаси орқали болаларда туберкулёз билан касалланиш даражасини пасайтириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда туберкулёз инфекцияси профилактикасида “чандиқ” мониторинги яъни BCG вакцинасидан кейинги “чандиқсиз болаларда” “химияпрофилактик даво” тавсияномаси орқали профилактикага йўналтирилган 697000 сўмлик харажат даволаш учун талаб этиладиган 24000000 сўмлик маблағнинг атиги 2,9 ташкил этиши, яъни иқтисодий тежамкорлик 97% камайтириш имконини берди. *Хулоса:* болаларда туберкулёз инфекцияси профилактикасида “чандиқ”

мониторинги яъни BCG вакцинасидан кейинги “чандиксиз болаларда” “химиопрофилактик даво” тавсияномаси орқали профилактикага йўналтирилган 697000 сўмлик харажат даволаш учун талаб этиладиган 24000000 сўмлик маблағнинг атиги 2,9% ташкил этиши, яъни иқтисодий тежамкорлик 97% камайтириш имконини берган ва давлат бюджети маблағларини иқтисод қилишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 5 та илмий амалий конференцияларда, шу жумладан 2 халқаро ва 3 Республика конференцияларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг нашр этилиши.** Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 журнал мақоласи, жумладан 4 республика, 1 хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг тузилиши кириш, 5 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифаси асослаб берилган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва техниканинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг биринчи боби** болаларда туберкулёз инфекцияси профилактикасида ёндашувларни такомиллаштириш ва адабиётлар шарҳига бағишланган. Мазкур мавзуга бағишланган болаларда ва ўсмирларда туберкулёз билан касалланишнинг эпидемиологик кўрсаткичлари, болаларда туберкулёзнинг клиник шакллари, туберкулёз инфекцияси профилактикасидаги муаммолар ва сўнгги йилларда чоп этилган маҳаллий ҳамда хорижий адабиётлар, болалар ва ўсмирларда туберкулёзга қарши вакцинациянинг клиник аҳамиятини чуқурроқ ўрганиш зарурлиги асослаб берилган.

**Диссертациянинг иккинчи боби** Ўзбекистон Республикасининг статистик маълумотларни 3 даврга бўлиб ўрганилди.

1 давр 2006–2010 йилларда болаларни вакцинация ва ревакцинация жараёнида профилактиканинг самараси, ёш гуруҳлари орасида туберкулёзнинг клиник шакллари ва ўпка туберкулёзнинг оғир клиник шакллари учраши туберкулёзнинг тарқалишини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга.

2 давр 2015–2019 йилларда вакцинациянинг самараси ва унинг таъсири кўрсатилди. Болаларда туберкулёзнинг клиник шакллари ва ўпка туберкулёзнинг оғир клиник шакллари учраши туберкулёзнинг тарқалишини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга.

3 давр 2020–2023 йилларда вакцинациянинг самараси ва унинг таъсири туберкулёз профилактикасига таъсири ўрганилди. Болаларда туберкулёзнинг клиник шакллари ва ўпка туберкулёзнинг оғир клиник шакллари учраши туберкулёзнинг тарқалишини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга ҳамда болаларнинг туберкулёз билан курашишдаги муаммоларини ҳал қилишга қаратилган янгиликлар таҳлил қилинган.

Шунингдек болаларда туберкулёзнинг профилактикасида 216 нафар беморларнинг маълумотларини ўрганиш асосида ўтказилди. Маълумотларни 2 гуруҳга яъни 2015-2019 ва 2020–2023 йилларга бўлиб ўрганилди. Барча маълумотлар ва беморлар стандартларга мувофиқ текширилди, яъни, умумий клиник текширув усуллари, инструментал ва махсус тадқиқот усуллари ўтказилган.


Барча статистик маълумотлар ва беморлар стандартларга мувофиқ текширилди, яъни, умумий клиник текширув усуллари, лаборатория, инструментал ва махсус тадқиқот усуллари ўтказилди. 2006–2010 йилларда болалар ва ўсмирларда туберкулёзнинг клиник шакллар бўйича тақсимланиши (Ўзбекистон Республикаси бўйича % ҳисобида), 2015–2019 йилларда болалар ва ўсмирларда БТБ, ЎТБ ва ЎТАТБ нинг клиник шакллари нинг ёшлар бўйича тақсимланиши (% ҳисобида). 2020–2023 йилларда болаларда туберкулёзнинг клиник шакллари нинг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши (% ҳисобида). Бундан ташқари 2015–2019 ва 2020–2023 йилларда болаларда туберкулёз билан касалланишнинг ёш гуруҳлари бўйича таққослама таҳлили. Академик Ш.Алимов номидаги РИФваПИАТМ болалар бўлими маълумотлари асосида тузилган бўлиб 2006–2023 йилларда 0-17 ёш болаларда туберкулёз клиник материалларининг тавсифи, тадқиқот усуллари ва натижаларининг статистик жиҳатдан туберкулёз билан касалланиш, ретроспектив ўрганилган.

**Диссертациянинг учинчи боби “Ўзбекистонда болалар ва ўсмирларда туберкулёз касаллигининг эпидемиологик ҳолати”** деб номланиб, Ўзбекистонда туберкулёз бўйича асосий эпидемиологик кўрсаткичлар, 2006-2010 йилларда болалар ва ўсмирларда туберкулёз билан касалланиш ҳолатининг таҳлили, 2015-2019 йилларда болалар ва ўсмирларда туберкулёз билан касалланиш ҳолатининг таҳлили ҳамда 2020-2023 йилларда болаларда туберкулёз билан касалланиш ҳолатининг таҳлилларидан ташкил топган. Ушбу бобда академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг идоравий 8-форма шакли статистик ҳисоботларидан 2006-2010 йиллар, 2015-2019 ва 2020-2023 йилларда 0-17 ёш болаларда туберкулёзнинг Ўзбекистонда туберкулёз бўйича асосий эпидемиологик кўрсаткичлари, туберкулёз билан касалланиш ҳолатининг таҳлили, клиник шакллари нинг учраши ретроспектив таҳлил қилинган.

**Болалар ва ўсмирларда туберкулёз билан касалланиш ҳолатининг таҳлили**


Болалар	2006-2010 йиллар		2015-2019 йиллар		2020-2023 йиллар	
	абс	%	абс	%	абс	%
0-4 ёш	2067	12,7%	1809	15,2%	1331	17%
5-9 ёш	3779	23,2%	4419	37,2%	2820	36%
10-14 ёш	7033	43,3%	3709	31,3%	2448	31,2%
15-17 ёш	3371	20,7%	1928	16,2%	1242	15,8%
жами	16250	100%	11865	100%	7841	100%
p	p<0,001		p<0,001		p<0,001	

Ёшлар кесимида 0-4 ёшлиларда туберкулёз билан касалланиш улуши изчил ўсиш тенденциясини намён этиб 2006-2010 йилларда 12,7%, 2015-2019 йилларда 15,2% ва 2020-2023 йилларда 17%га етган. Шунингдек, 5-9 ёшли болаларда ҳам ўсиш кузатилиб улардаги касалланиш улуши 23,2%-37,2% кўтарилиб, сўнгги йилларда 36% атрофида барқарорлашган. Шу билан бирга, 10-14 ёшларда касалланиш улуши 43,3%-31,3% пасайган, 15-17 ёшли ўсмирларда эса 20,7% 15,8% камайган p<0,001 (1-жадвал).




**1-расм: Болалар ва ўсмирларида бирламчи туберкулёзнинг учраш частотаси**

2006–2010 йилларда бирламчи туберкулёз кўпинча 10-14 ёшли болаларда кузатилган бўлиб, улар умумий ҳолатларнинг 50,5% ташкил этган. Кейинги йилларда бу кўрсаткич изчил пасайиб, 2015–2019 йилларда 32,6%, 2020-2023 йилларда 32,1% ташкил этди. 0-4 ёшли болаларда эса тескари тенденция яъни 2006-2010 йилларда 16%, 2015-2019 йилларда 17,7%, 2020-2023 йилларда 19,2% етган. 5-9 ёшли болаларда ҳам бирламчи туберкулёз улуши кескин ошга. 2006-2010 йилларда 25,2%, 2015-2019 йилларда 42,2%, 2020-2023 йилларда 39,7% кузатилди. 15–17 ёшли ўсмирларда бирламчи туберкулёз улуши 2006-2010 йилларда 8%, 2015-2019 йилларда 7,4%, 2020-2023 йилларда 9% бўлиб, маълум даражада барқарор ҳолатда сақланган p<0,05 (1-расм).



**2-расм: Болалар ва ўсмирларида ўпка туберкулёзининг учраш частотаси**

Ушбу жадвалда ўпка туберкулёзи умумий тенденцияда, 15–17 ёшли ўсмирларда энг юқори кўрсаткичларни ташкил этган. 2006-2010 йилларда 62,1% аниқланган бўлса, 2020-2023 йилларда 58,7% ташкил этган. Шу билан бирга, 10-14 ёшли болаларда касалланиш улуши 25,4%-28,6% ошгани кузатилади. 0-4 ёшли болаларда ўпка туберкулёзи нисбатан кам аниқланган бўлиб (1,3%→2,7%→2,2%). 5-9 ёшли болаларда эса кўрсаткичлар деярли барқарор бўлиб қолган (11,1%→11,6%→10,4%). Энг катта фарқ 15-17 ёшли ўсмирлар ва 0-4 ёшли болаларда кузатилган ва 10-17 ёшлар эпидемиологик жиҳатдан юқори хавф гуруҳи сифатида эътироф этилади  $p < 0,05$  (2-расм).



**3-расм: Болалар ва ўсмирларида ўпкадан ташқари туберкулёзнинг учраш частотаси**

Ўпкадан ташқари аъзолар туберкулёзи 0-4 ёшли болаларда 2006-2010 йилларда 12,3% бўлган бўлса, кейинги даврларда 16,2%-17,9% ўсгани кузатилди. 5-9 ёшли болаларда 2006-2010 йилларда 32,1% бўлган ўпкадан ташқари туберкулёз 2015–2019 йилларда 39,5% ошган. 10-14 ёшли ўсмирларда эса аксинча, кескин пасайиш тенденцияси кузатилган бўлиб 2006-2010 йилларда 34,3% бўлган кўрсаткич 2015-2019 йилларда 26,2% камайган, 15-17 ёшли ўсмирларда ҳам барқарор пасайиш қайд этилган: 2006-2010 йилларда

21,2% бўлган кўрсаткич 2015-2019 йилларда 18%, 2020-2023 йилларда эса 16,3% тушган  $p < 0,05$  (3-расм).

## 2-жадвал

### 2006–2010 йилларда болалар ва ўсмирларда туберкулёз касаллигининг клиник шакллари бўйича учраш частотаси

2006–2010 йилларда	0-4 ёш		5-9 ёш		10-14 ёш		15-17 ёш	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
ТБ-инток\я	110	21,4%	141	27,5%	238	46,4%	24	4,7%
БТБ комплекс	119	11,4%	442	42,3%	395	37,8%	88	8,4%
КИЛТ-ТБ	1529	16,5%	2134	23,1%	4820	52,2%	751	8,1%
p	$p < 0,05$		$p < 0,05$		$p < 0,05$		$p < 0,05$	

2006-2010 йилларда бирламчи туберкулёз билан касалланган 10791 нафар болаларда туберкулёз интоксикация, бирламчи туберкулёз комплекс ва кўкрак ичи лимфа тугунлари туберкулёзи қайд этилган бўлиб, 0-4 ёшда 21,4%, 5-9 ёшда 27,5%, 10-14 ёшда эса 46,4% аниқланган. 15-17 ёшларда ушбу клиник шаклнинг улуши кескин камайиб, 4,7% ташкил этган.

Бирламчи туберкулёз комплекс 0-4 ёшли болаларда 11,4% ташкил этган бўлса, 5-9 ёшли болаларда 42,3% ва 10-14 ёшда 37,8% ҳолатда кузатилди. 15-17 ёшда эса бу кўрсаткич 8,4% ташкил этди. Кўкрак ичи лимфа тугунлари туберкулёзи энг кўп қайд этилган клиник кўриниш бўлиб, у 7234 нафарни ташкил этди. Бу шакл, хусусан, 10-14 ёш болаларда жуда юқори 52,2% учради. Шунингдек, 5-9 ёшда ҳам катта улуш 23,1%, 0-4 ёшлиларда 16,5%, 15-17 ёшда эса 8,1% ташкил этган  $p < 0,05$  (2-жадвал).

## 3-жадвал

### 2006–2010 йилларда болалар ва ўсмирларда ўпка туберкулёзининг клиник шакллари бўйича учраш частотаси

2006–2010 йиллар		04 ёш		5-9 ёш		10-14 ёш		15-17 ёш	
		абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
Ўчоқли ТБ	732	21	2,8%	64	8,7%	187	25,5%	460	62,8%
Яллиғланган ТБ	1573	22	1,4%	162	10,3%	292	18,6%	1097	69,7%
Диссиминациялашган ТБ	366	-	-	55	15%	149	40,7%	162	44,3%
Фиброз каверноз ТБ	30	-	-	3	10%	4	13,3%	23	76,7%
ТБ бошқа турлари	77	-	-	19	24,7%	35	45,4%	23	29,8%
ТБ-плеврити	523	-	-	65	12,4%	172	32,9%	286	54,7%
p		$p < 0,001$		$p < 0,001$		$p < 0,001$		$p < 0,001$	

Ўпка туберкулёзининг 2006-2010 йилларда жами 3301 нафар бўлиб энг кўп 15-17 ёшли ўсмирлар ўртасида кузатилган 62,8% бўлиб 10-14 ёшда бу кўрсаткич 25,5%, 5-9 ёшда эса 8,7% ва 0-4 ёшда жуда кам 2,8% ҳолат қайд

этилган. Яллиғланган туберкулёз ҳам асосан ўсмирларда (15-17 ёш 69,7%) қайд этилган бўлиб, 10-14 ёшли болаларда 18,6% ва 5-9 ёшда 10,3% ташкил этди. 0-4 ёшда деярли учрамади 1,4%. Диссиминациялашган туберкулёз энг кўп ҳолларда 10-14 ёш 40,7% ва 15-17 ёшда 44,3%, 5-9 ёшда 15% кузатилган. Фиброз каверноз туберкулёз энг фаол ва илгарилаб кетган клиник шакллардан бири бўлиб асосан 15-17 ёшлиларда қайд этилган 76,7%, 10-14 ёшда 13,3% ва 5-9 ёшда 10% ташкил этган бўлиб, 0-4 ёшда умуман учрамаган.

Туберкулёзнинг бошқа турлари анча кам қайд этилган бўлиб, асосан 10-14 ёшда 45,4%, 5-9 ёшда 24,7%, 15-17 ёшда эса 29,8%. Туберкулёз плеврити ҳолатлари энг кўп 15-17 ёшдагиларда учраган 54,7%, кейинги ўринда 10-14 ёшда 32,9% ва 5-9 ёшларда 12,4% туради. Яллиғланган, ўчоқли туберкулёз, диссиминациялашган туберкулёз, фиброз ковакли ва туберкулёз плеврити асосан ўсмирликда ( $\geq 15$  ёш), кўкрак ичи лимфа тугунлари туберкулёзи ва туберкулёз комплекс эса ўрта ёшдагиларда 5-14 ёш кўп учради, 0-4 ёшда деярли барча актив шакллар кам қайд этилган  $p < 0,001$  (3-жадвал).

#### 4-жадвал

#### 2006–2010 йилларда болалар ва ўсмирларда ўпкадан ташқари аъзолар туберкулёзининг клиник шакллари бўйича учраш частотаси

2006-2010 йиллар		0-4 ёш		5-9 ёш		10-14 ёш		15-17 ёш	
		абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
ТБ-Менингити	12	-	-	1	8,3%	4	33,3%	7	58,3%
Суяк-бўғим ТБ	582	66	11,3%	122	21%	214	36,8%	180	31%
Буйрак ТБ	86	1	1,2%	11	12,8%	19	22,1%	55	64%
Кўз ТБ	66	7	10,6%	18	27,3%	18	27,3%	23	34,8%
ПЛТ ТБ	1412	192	13,6%	542	38,4%	486	34,4%	192	13,6%
p		p < 0,05		p > 0,05		p < 0,05		p < 0,001	

Ўпкадан ташқари аъзолар туберкулёзидан асосан туберкулёз менингити 15-17 ёшларда аниқланган бўлиб, умумий ҳолатларнинг  $58,3\% \pm 4,4\%$  ташкил этган. 10-14 ёшда бу кўрсаткич  $33,3\% \pm 23,6\%$ , 5-9 ёшда  $8,3\% \pm 17,0\%$ , 0-4 ёшда эса кузатилмади. Суяк туберкулёзи кўпроқ 10-14 ёш  $36,8\% \pm 3,9\%$  ва 15-17 ёш ( $30,9\% \pm 3,7\%$ ) учради. 5-9 ёшда  $21,0\% \pm 3,3\%$  ва 0-4 ёшда  $11,3\% \pm 2,6\%$ ,  $R = +0,88$  бўлиб, бу ҳам ёш ортган сари кўп учрашини англатади. Буйрак туберкулёзи эса 15-17 ёшда юқори  $64,0\% \pm 9,9\%$ , 10-14 ёшда  $22,1\% \pm 8,7\%$ , 5-9 ёшда  $12,8\% \pm 7,1\%$ , 0-4 ёшда эса жуда кам  $1,2\% \pm 3,0\%$  учраган.

Кўз туберкулёзи нисбатан тенг тақсимланган, лекин 15-17 ёшда  $34,8\% \pm 11,2\%$  устунлик қилади. 10-14 ва 5-9 ёшда  $27,3\% \pm 10,5\%$ , 0-4 ёшда  $10,6\% \pm 7,5\%$  учраган бўлиб корреляция  $R = +0,92$  даражасида аниқланган. ПЛТ-ТБ эса аксинча болаларда юқори даражада қайд этилган бўлиб хусусан 5-9 ёшда  $38,4\% \pm 2,5\%$ , 10-14 ёшда  $34,4\% \pm 2,5\%$ , 0-4 ва 15-17 ёшда эса тенг  $13,6\% \pm 1,8\%$  кузатилган (4-жадвал).

**5-жадвал**

**2015-2019 йилларда болалар ва ўсмирларда ўпка туберкулёзининг клиник шакллари бўйича учраш частотаси**

2015-2019 йиллар		0-4 ёш		5-9 ёш		10-14 ёш		15-17 ёш	
		абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
Ўчоқли ТБ	390	6	1,5%	36	9,2%	112	28,7%	236	60,5%
Яллиғланган ТБ	804	12	1,5%	65	8,1%	194	24,1%	533	66,3%
Диссиминациялашган ТБ	120	5	4,2%	19	15,8%	53	44,2%	43	35,8%
Фиброз каверноз ТБ	6	-	-	1	16,6%	2	33,3%	3	50%
ТБ бошқа турлари	54	-	-	6	11,1%	17	31,5%	31	57,4%
ТБ плеврити	452	27	5,9%	85	18,9%	136	30%	204	45,1%
p		p<0,05		p<0,05		p<0,05		p<0,05	

2015–2019 йилларда болаларда 1826 нафардан яллиғланган туберкулёз энг юқори (804 нафар, 44,0%) ва ўчоқли туберкулёз (390 нафар, 21,4%) тўғри келган. 0–4 ёшда барча клиник шакллар бўйича учраш частотаси паст бўлиб, фақат туберкулёз плевритида нисбатан юқори (5,9%) кўрсаткич кузатилган. 5–9 ёшда яллиғланган туберкулёз ва туберкулёз плеврити 8,1% ва 18,9%, 10–14 ёшда диссиминациялашган туберкулёз учун энг юқори учраш частотаси (44,2%) шу ёшга тўғри келди. 15–17 ёшда барча клиник шакллар бўйича энг юқори учраш частотаси қайд этилди, хусусан, яллиғланган туберкулёз (66,3%) ва ўчоқли туберкулёз (60,5%) устунлик қилган. ( $\chi^2=752,41$ ;  $df=15$ ;  $p<0,0001$ ). Корреляция таҳлилида "ўчоқли, яллиғланган туберкулёз, ва туберкулёз плеврити" ҳолатлари ёш ўсиши билан кучли ижобий корреляция кўрсатди ( $R=+0.89$ ; ИИ 95%;  $p<0,05$ ) (5-жадвал).

**6-жадвал**

**2015–2019 йилларда болалар ва ўсмирларда ўпкадан ташқари аъзолар туберкулёзининг клиник шакллари бўйича учраш частотаси**

2015-2019 йиллар		0-4 ёш		5-9 ёш		10-14 ёш		15-17 ёш	
		абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
ТБ Менингит	11	9	81,8%	1	9,1%	-	-	1	9,1%
Суюк-бўғим ТБ	256	36	14%	63	24,6%	89	34,8%	68	26,5%
Буйрак-ТБ	56	2	3,8%	5	8,9%	9	16,1%	40	71,4%
Кўз ТБ	99	21	21,2%	35	35,3%	26	26,3%	17	17,1%
ПЛТ-ТБ	840	137	16,3%	395	47%	207	24,6%	101	12%
p		p < 0,001							

2015–2019 йилларда болаларда 1262 нафар ўпкадан ташқари аъзолар туберкулёзи, периферик лимфа тугунлари туберкулёзи энг кўп учраган клиник шакл бўлиб, жами 66,5% (840/1262) ташкил этиб, туберкулёз менингити (n=11) умумий 81,8% (n=9) 0–4 ёшга тўғри келган. Суюк туберкулёзи (n=256) учраш частотаси ёшга қараб баравар тақсимланган, аммо энг кўп ҳолат 10–14 ёшда - 34,8%. Буйрак туберкулёзи (n=56) кўпинча 15–17 ёш ўсмирларда 71,4% учраган. Кўз туберкулёзи (n=99) энг юқори ҳолат 5–9 ёшда 35,3% аниқланган.

Периферик лимфа тугунлари туберкулёзи (n=840) учраш частотаси 5–9 ёшда энг юқори 47%, кейинги ўринда 10–14 ёшда 24,6% учради, туберкулёз менингити  $R=-0.81$  (корреляция, ёш камайган сари учраш частотаси ортади) Буйрак туберкулёз ( $R=+0.87$ ) Периферик лимфа тугунлари туберкулёзи ( $R=-0.59$ ) (ёш болаларда кўпроқ учрайди). Ўпкадан ташқари аъзолар туберкулёзи 0–4 ёшда туберкулёз менингити ва 5–9 ёшда периферик лимфа тугунлари туберкулёзи устунлик қилган (6-жадвал).

### 7-жадвал

#### 2020-2023 йилларда болалар ва ўсмирларда ўпка туберкулёзининг клиник шакллари бўйича учраш частотаси

2020-2023 йиллар		0-4 ёш		5-9 ёш		10-14 ёш		15-17 ёш	
		абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
Ўчоқли ТБ	130	3	2,3%	10	7,7%	38	29,2%	79	60,7%
Яллиғланган ТБ	421	2	0,5%	16	3,8%	92	21,8%	311	73,8%
Диссимиацияли ТБ	69	3	4,3%	10	14,5%	18	26%	38	55%
ФКТ-ТБ	3	-	-	-	-	1	33,3%	2	66,7%
ТБ бошқа турлари	21	1	4,7%	2	9,5%	9	42,8%	9	42,8%
ТБ плеврити	294	12	4%	60	20,4%	110	37,4%	112	38,1%
p		p<0,05		p<0,05		p<0,05		p<0,05	

Ушбу 2020–2023 йилларда 938 нафар ўпка туберкулёзининг клиник шакллари ёшларига қараб ҳар хил частота ва хусусиятлар билан намоён бўлди. Ўчоқли туберкулёзининг кўп қисми 15–17 ёшга тўғри келиб, ушбу ёшда умумий 130 нафардан 79 нафари яъни 60,7% қайд этилди. Бошқа ёшларида бу кўрсаткич 2,3%-29,2% ташкил этди. Яллиғланган туберкулёз 15–17 ёшда 73,8%, 10–14 ёшда эса нисбатан камроқ 21,8% учраган.


Диссимиациялашган туберкулёз ҳам асосан ўсмирларда қайд этилган 55% 15–17 ёшда, 26% эса 10–14 ёшда кузатилган. Фиброз каверноз туберкулёз каби энг оғир, деструктив шакллар кам ҳолларда қайд этилган бўлиб, уларнинг 66,7% 15–17 ёшда аниқланди, туберкулёз плеврити эса 10–14 ва 15–17 ёшда деярли тенг тақсимланган бўлиб (37,4% ва 38,1%) ( $R=+0,92$ ;  $p=0,031$ ), бу ўсмирларда ўчоқли туберкулёз ( $R=+0,88$ ) ва диссимиациялашган туберкулёз ( $R=+0,84$ ) ижобий корреляция кузатилди. Яллиғланган туберкулёз 15–17 ёшда бошқа ёшларга нисбатан 6,1 марта, ўчоқли туберкулёз 4,4 марта, диссимиациялашган туберкулёз эса 3,8 марта кўпроқ учраган (7-жадвал).

**2020–2023 йилларда болалар ва ўсмирларда ўпкадан ташқари аъзолар туберкулёзнинг клиник шакллари бўйича учраш частотаси**

2020–2023 йиллар		0-4 ёш		5-9 ёш		10-14 ёш		15-17 ёш	
		абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
ТБ-менингит	5	-	-	1	20%	-	-	4	80%
Суяк-ТБ	197	30	15,2%	51	25,8%	67	34%	49	24,8%
Буйрак-ТБ	43	2	4,6%	10	23,2%	16	37,2%	15	34,8%
Кўз ТБ	43	5	11,6%	15	34,8%	14	32,5%	9	20,9%
ПЛТ-ТБ	666	134	20,1%	283	42,5%	170	25,5%	79	11,9%
p		p<0,05		p<0,05		p<0,05		p<0,05	

2020–2023 йилларда болаларда умумий 954 нафарда ўпкадан ташқари аъзолар туберкулёзи аниқланган бўлиб, улардан кўп учрайдиган клиник шакл периферик лимфа тугунлари туберкулёзи бўлиб 69,8% ташкил этди. Энг кўп 5–9 ёшда кузатилди 42,5%, кейинги ўринларда 10–14 ёш 25,5% ва 0–4 ёш 20,1%, 15–17 ёшда учраш ҳолати нисбатан кам 11,9% бўлган. Суяк-ТБ (n=197) бўлиб кўпроқ 10–14 ёшда 34% ва 5–9 ёшда 25,8% учраган. ( $\chi^2=45,29$ ;  $df=3$ ;  $p<0.001$ ). Буйрак туберкулёзи (n=43) нисбатан кам учраган бўлиб, кўп ҳолларда 10–14 ёш 37,2% ва 15–17 ёшларда 34,8% қайд этилган. Кўз туберкулёзи ҳам (n=43) асосан 5–9 ёш 34,8% ва 10–14 ёшда 32,5% кузатилган. ТБ менингити каби оғир шакллар умумий ҳолатлар ичида жуда кам (n=5) учраган бўлиб, асосан 15–17 ёшда 80% учраган  $p<0,05$  (8-жадвал).

**Диссертациянинг тўртинчи боби “Ўзбекистонда 2015-2019 ва 2020-2023 йилларда болалар ва ўсмирларда туберкулёзнинг клиникаси”** деб номланиб, бунда туберкулёзнинг учраш частотаси, дориларга чидамли ва дориларга сезгир шакллари учраши, туберкулёз билан мулоқот ҳолати ва туберкулёз ҳамда ёндош касалликлар бирга учраши ҳамда туберкулёзнинг асоратлари таҳлил қилинган.



**4 расм: 2015–2019 йиллар ва 2020-2023 йилларда болаларда туберкулёз билан касалланиш.**

2020-2023 йилларда катта ёшли болаларда туберкулёз нисбатан кўп қайд этилган бўлиб, 0–9 ёшли болаларда эса паст кўрсаткичлар аниқланди.

2015–2019 йилларда туберкулёз билан касалланганлар 113 нафарни ташкил этди ва энг катта улуш 10–14 ёшларга тўғри келиб 37 нафарни (32,7%) ташкил қилди. Кейинги ўринда 5–9 ёшлилар 31 нафар (27,4%) ва 15–17 ёшда

30 нафар (26,5%), 0–4 ёшда эса нисбатан кам улушни эгаллаб, 15 нафарни (13,3%) ташкил қилди. 2020–2023 йилларда кузатув остида бўлган болалар сони 103 нафарни ташкил этди. Бу даврда 15–17 ёшдаги болалар улуши сезиларли даражада ошиб, 35 нафарга (33,9%) етди ва етакчи ўринни эгаллади. 10–14 ёш улуши деярли ўзгармасдан қолиб, 33 нафарни (32,0%) ташкил қилди. 5–9 ёшда пасайиш тенденцияси кузатилиб, 24 нафар (23,3%), 0–4 ёшли болалар 11 нафарни (10,7%) ташкил қилди. 2020–2023 йилларда ўсмирлар (15–17 ёш) улушининг ошиши ҳамда кичик ёшларда (0–4 ва 5–9 ёш) нисбий камайиш кузатилган (4-расм).


### 9-жадвал

#### 2015-2019 ва 2020-2023 йилларда болалар ва ўсмирларда туберкулёз билан ёндош касалликларинг солиштирма тахлили

Касалликлар	2015-2019 йиллар				2020-2023 йиллар			
	10-14 ёш n=21		15-17 ёш n=8		10-14 ёш n=11		15-17 ёш n=8	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
гепатит В	-	-	2	100%	-	-	-	-
ОИТС	3	60%	1	20%	2	50%	2	50%
қандли диабет	-	-	-	-	2	33,3%	3	50%
анемия	11	55%	4	20%	2	33,3%	2	33,3%
туғма юрак нуқсони	1	100%	-	-	1	100%	-	-
пневмония	6	85%	-	-	-	-	-	-
буйрак касаллиги	-	-	-	-	3	75%	-	-
артрит	-	-	1	100%	1	50%	1	50%
жами	21	53,8%	8	20,5%	11	44%	8	32%
P	p<0,05		p<0,05		p<0,05		p<0,05	


2015–2019 йилларда болаларда туберкулёз билан касалланишда ҳамроҳ касалликлар умумий тенденциясида 10–14 ёшларда 53,8%, 15–17 ёшлиларда 20,5% кузатилиб, 2020-2023 йиллар бу кўрсаткичлар 44% ва 32% ташкил этган. 2015–2019 йилларда ОИТС билан туберкулёз учраши 10–14 ёшларда 60%, 15–17 ёшларда 20% бўлган бўлса, 2020-2023 йилларда ҳар икки ёш гуруҳда 50% қайд этилган. Қандли диабет 2015–2019 йилларда қайд этилмаган бўлиб, 2020-2023 йилларда эса 10–14 ёшларда 33,3%, 15–17 ёшларда 50% кузатилган.

Анемия 2015–2019 йилларда энг кўп учраган ҳамроҳ касаллик бўлиб, 10–14 ёшларда 55%, 15–17 ёшларда 20% аниқланди. 2020-2023 йилларда бу кўрсаткич ҳар икки ёш гуруҳда 33,3% пасайган. Гепатит В фақат 2015–2019 йилларда 15–17 ёшлиларнинг барчасида аниқланган бўлиб, 2020-2023 йилларда учрамади. Буйрак касалликлари фақат 2020-2023 йилларда 10–14 ёшларда 75% ҳолатда, артрит 2015–2019 йилларда фақат 15–17 ёшлиларнинг барчасида қайд этилган бўлса, 2020-2023 йилларда эса ҳар икки ёш гуруҳда 50% ҳолатда учраган p<0,05 (9-жадвал).



**5 расм: 2015–2019 йилларда болаларда туберкулёзнинг дориларга сезувчанлиги бўйича тахлили.**

2015-2019 йилларда болалар ва ўсмирлар ўртасида туберкулёзнинг дориларга сезувчан ва турғун шакллари 0-4 ёшда энг юқори кўрсаткичи (86,7%) Rif-S кузатилган бўлиб, MDR-ТБ шакли атиги 13,3%, 5-9 ёшларда эса 74,2%, XDR-ТБ 12,9% хавотирли кўрсаткич сифатида баҳоланди. 10-14 ёшларда Rif-S шакли 10,8% тушиб, MDR-ТБ кўрсаткичи эса энг юқори даражадаги 78,4% кузатилган. 15-17 ёшлар ўртасида Rif-S 70% ни ташкил этган, MDR-ТБ эса 30% қайд этилган. Ўтказилган статистик тахлил шуни кўрсатадики, 10-14 ёшларда 78,4% MDR-ТБ ривожланиши бўйича энг юқори хавф гуруҳи ҳисобланади (5- расм).




**6 расм: 2020–2023 йилларда болаларда туберкулёзнинг дорига сезувчанлиги бўйича тахлили.**

2020–2023 йилларда (103 нафар) 10–14 ёшларда (51,50%) рифампицинга сезувчан туберкулёз (Rif-S) энг юқори кўрсаткич кузтилган ва 15–17 ёшларда (45,70%) қайд этилган. Кичик ёшдаги болаларда (0–4 ёш) бу кўрсаткич 36,40% ни ташкил этган бўлса, 5–9 ёшлиларда энг паст кўрсаткич (29,20%) кузатилган. MDR-ТБ шакли 15–17 ёшларда (42,80%), 5–9 ёшларда бу кўрсаткич 25%, 10–14 ёшлиларда 24,20% ни ташкил этган. PDR шакл нисбатан камроқ кузатилган бўлсада, 0–4 ёш (18,20%) ва 10–14 ёшларда (15,10%) сезиларли даражада эканлиги аниқланди. пре XDR-ТБ ва XDR-ТБ энг оғир клиник шакли 5–9 ёшли болаларда кузатилди, жумладан XDR-ТБ (кенг


чидамлилиқ) 25% учраган. 5–9 ва 15–17 ёшларда ХДР-ТБ, пре ХДР-ТБ ҳам айнан ушбу гуруҳда энг юқори (42,80%-12,50%) кузатилиб, 10–14 ёшлиларда бу клиник шакл умуман қайд этилмаган (6- расм).

**Диссертациянинг бешинчи боби** “Болалар ва ўсмирларда ВСГ вакцинасидан кейин қолган чандиқнинг клиник аҳамияти” деб номланиб, мазкур боб академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази болалар бўлимида 2015-2019 ва 2020-2023 йилларда даволанган 216 нафар болалар ва ўсмирларда ВСГ вакцинасидан кейин қолган чандиқнинг клиник аҳамияти ўрганилган. Шу жумладан ВСГ вакцинасидан кейинги чандиқ бўлмаган, ВСГ вакцинасидан кейин қолган чандиқ 4 мм гача ва 4 мм дан катта чандиқ бўлган болаларда туберкулёз клиник шакллариининг учраши ўрганилган. Бундан ташқари болаларда туберкулёзда Т ва В-лимфоцитлар ҳамда CD4, CD8 кўрсаткичларининг клиник-иммунологик таҳлили ва такомиллаштирилган “Химиофилактика” тавсияномаси ишлаб чиқилган.



**7-расм: 2015–2019 йилларда ВСГ вакцинасидан кейинги чандиқнинг ҳолати бўйича таҳлили**

2015–2019 йилларда ВСГ вакцинасидан кейинги чандиқнинг ҳолати бўйича тенденцияларда катта ёшдаги болаларда (>10 ёш) ВСГ чандиқнинг 4 мм дан катта бўлиши кўп учраган, 10–14 ёш 67.6%, 15–17 ёш 90%. Бу барқарор иммун жавоб шаклланганлигини кўрсатади. ВСГ вакцинасидан кейинги чандиқнинг бўлмаслиги энг юқори 5–9 ёшда 32.2%, умумий ҳолда барча болаларнинг 21.2% чандиқ йўқ бўлиб, жами 66.4% болаларда самарали (катта) чандиқ шаклланган (7-расм).



**8-расм: 2020-2023 йилларда BCG вакцинасидан кейинги чандиқнинг тахлили.**

2020-2023 йилларда BCG вакцинасидан кейинги чандиқнинг ҳолати бўйича тахлилида (>4 мм) чандиқли болалар улуши 78.6% бўлиб, бу аввалги даврга нисбатан анча юқори 66.4%→78.6%. Бу вакцинанинг иммуногенлигини сақлаб қолганини, эҳтимол иммунитетнинг ошганини аниқлаш мумкин. BCG вакцинасидан кейинги чандиғи йўқ болалар сони камайган 21.2%→18.4%, бу ижобий кўрсаткич. ≤4 мм чандиқлар сезиларли камайган бундай чандиқ кам бўлиши эмлаш яхши бажарилган ва натижада кучли чандиқ (иммун жавоб) ҳосил бўлган ҳолатлар қайд этилган. 5–9 ёшларда натижа кескин яхшиланган 79.2% >4 мм чандиқ бу 2015–2019 йилда 48.4% қайд этилган (8-расм).

#### 10-жадвал

**2015–2019 йилларда BCG вакцинасидан кейинги чандиқ бўлмаган болаларда ТБ клиник шакллариининг учраш частотаси**

2015-2019 йиллар чандиқсиз	0-4 ёш n=2		5-9 ёш n=10		10-14 ёш n=9		15-17 ёш n=3	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
БТК	-	-	3	30%	3	33,3%	-	-
КИЛ-ТБ	-	-	5	50%	1	11,1%	1	33.3%
Ўчоқли ТБ	-	-	-	-	1	11,1%	-	-
Яллиғланган ТБ	-	-	-	-	-	-	2	66,7%
ЛТ-ТБ	1	50%	-	-	-	-	-	-
Генер-ТБ	1	50%	2	20%	4	44,4%	-	-
P	p < 0.05		p < 0.05		p < 0.05		p < 0.05	

2015–2019 йилларда BCG дан кейинги чандиқ бўлмаган болаларда кўкрак ичи лимфа тугунлари туберкулёзи 5–9 ёшда 50% ва генерализациялашган туберкулёз 10–14 ёшда 44.4%, 5–9 ёшда 20%, 0–4 ёшда 50% учраган. Яллиғланган туберкулёз 66.7%, бу клиник жиҳатдан оғир ва кеч аниқланган шакл ҳисобланади. BCG дан кейинги чандиқ бўлмаган болалар оғир клиник шаклларга мойилликни оширади 0–4 ёшдаги 2 нафарнинг 1 нафарида лимфа

тугунлари туберкулёзи, 1 нафариди эса генерализациялашган туберкулёз кузатилган (10-жадвал).

### 11-жадвал

#### 2015–2019 йилларда BCG вакцинасидан кейинги чандиқ 4 мм гача бўлган болаларда ТБ клиник шакллариининг учраш частотаси

2015-2019 йиллар 4 мм гача чандиқ	0-4 ёш n=5		5-9 ёш n=6		10-14 ёш n=3	
	абс	%	абс	%	абс	%
БТК	-	-	-	-	1	33,3%
КИЛ-ТБ	2	40%	1	16,6%	2	66,6%
ЛТ-ТБ	2	40%	-	-	-	-
Генер-ТБ	1	20%	5	83,3%	-	-
р	р<0,05		р<0,05		р<0,05	

